



6. Шумакова Н.Б. Обучение и развитие одаренных детей. – М.: Изд-во МПСИ ; Воронеж: Изд-во НПО «МОДЭК», 2004. – 336 с.
7. Щебланова Е.И. Психологическая диагностика одаренности школьников: проблемы, методы, результаты исследований и практики. – М.: Изд-во МПСИ ; Воронеж: Издательство НПО «МОДЭК», 2004. –368 с.
8. Lubart T.I. & Lautrey J. Family environment and creativity / Paper presented at the XV Biennal Meetings of the ISSBD, Berne, 1998.
9. Sternberg R.J. The Nature of Creativity // Creativity Research Journal. – 2006. – Vol. 18. – N 1. – P. 87–98.
10. Torrance P. Torrance Test of Creative Thinking. Norms-Technical Manual: Ginn and Company (Xerox Corporation), 1974. – 79 p.



**Очилова Манзура Арзикуловна,**  
Бухоро давлат университети, педагогика кафедраси катта  
үқитувчиси,

**ОИЛАДАГИ ИЖТИМОЙ НИЗОЛАРНИ ПЕДАГОГИК  
ҮРГАНИШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада оиласдаги низоларни үрганиши ва уларни ижтимоий масаввурларни шакллантириши орқали бартараф этишининг педагогик-психологик хусусиятлари ҳақида сўз боради.

**Калит сўлар:** оила, тарбия, маънавият, ижтимоий тасаввур, стериотип, оиласвий қадрият, ижтимоий рол.

**Аннотация:** В данной статье мы поговорим о педагогических и психологических особенностях изучения семейных конфликтов и их устранения путем формирования социальных представлений.

**Ключевые слова:** семья, воспитание, духовность, социальное воображение, стериотип, семейные ценности, социальная роль.

**Abstract:** In this article, we will talk about the pedagogical and psychological features of the study of family conflicts and their elimination by forming social representations.

**Key words:** family, upbringing, spirituality, social imagination, stereotype, family values, social role.

**Мавзунинг долзарблиги:** Бугунги кунда Ўзбекистон шароитида оиласвий муаммолар ўзининг қўп кирралилиги билан алохиди хусусият касб этиб, жамият тараккиётини белгилашда, маънан баркамол, руҳан соғлом авлодни вояга етказиши жараённида уларнинг ижобий ечими катта ахамиятга эгадир. Агар ҳар бир оиласи ташкил этувчиликар ўз муаммоларини баҳамжиҳатлик билан, ўзаро келишув асосида ҳал қиласалар, оиласдаги тинчлик кафолатланиб, унинг маънавий асослари мустаҳкам бўлади. Алохиди таъкидлаш жоизки, оиласда ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларида, фикрлар ва қарашларидаги пайдо бўладиган айrim келишмовчиликлар, қарама-қаршиликлар, зиддиятларни уни ташкил этувчи шахслар ўзаро келишиб, муаммони конструктив тарзда ечишга қодир бўлсалар, оиласдаги ижтимоий-психологик ҳамда маънавий мухит ёш авлод онгиди инсоний муносабатлар тўғрисида теран ва ижобий тасаввурлар шаклланишига имкон беради. Шу боис ҳам мамлакатимизда оила ва унинг тарбиявий имкониятлари қадрият сифатида юксакларга кўтарилади.

Шуни алохиди таъкидлаш жоизки, оиласвий муносабатлар ҳар доим ҳам бир текисда силлиқ, рисоладагидей кечавермайди. Уй-рўзгор юмушларини адо этиш, эр-хотинлик бурчлари, ота-онанинг фарзандлар олдиаги мажбуриятлари, фарзандларнинг катталар олдиаги хукуқ ва бурчларини адо этиш жараённида мураккаб роллараро муомала ва мулоқот жараёнлари кечадики, уларнинг деярли барчасида шахсий ва ижтимоий манфаатлар тўқнашади,



айрим холатларда фикр ва қарашлардаги зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, келишмовчиликлар, англашилмовчиликлар шахслараро низолар тарзида намоён бўлади.

Ўзбекистонда оила ва ундаги ўзаро муносабатлар алоҳида қадрият сифатида қаралиши ҳам бу борада юртимизгагина хос бўлган маълум қонуниятларнинг борлигини далиллайди. Шу боис ҳам, мавжуд муаммони худудий ва этнопсихологик хусусиятларни инобатга олган ҳолда ўрганиш зарур. Таъкидлаш жоизки, Шарқ мутафаккирлари Баҳовуддин Нақшбанди, Ахмад Яссавий, Ат-Термизий, Ал-Бухорий, Бобараҳим Машраб, Абу Райхон Беруний, Абу Носир Фаробий, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Бурҳониддин Марғилоний, Махмуд Қошғарий, Ахмад Дониш, Юсуф Хос Хожиб, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, ҳамда ҳозирги давр Ўзбекистон олимлари М.Г. Давлетшин, Ф.Б. Шоумаров, В.М. Каримова, Э.Ғ. Фозиев, Ш.Р. Баротов, Б.М. Умарова бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам оила муаммоси, ундаги низоли ҳолатлар муносабатлар ҳамда барча оиласидаги муносабатлар фарзанд тарбиясига қай даражада таъсири этиши муаммоси маҳаллий шарт-шароитлар нуқтаи назаридан кисман ўрганилган.

Маълумки, оиланинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни ва оиласидаги ўзаро муносабат оқибатлари масаласи психолог ҳамда педагог олимларнинг дикқат марказида турган муаммолардан биридир. Бу муаммога бағишлиланган илмий изланишлар эса, асосан, ҳар бир миллат менталитети, ўша жамиятда устувор бўлган оиласидаги қадриятлар, урф-одатлар ва маросимлар доирасида турли тадқиқотларнинг предмети бўлиб келган. Зоро, оилада камол топаётган ёш авлод дунёқарашининг тўғри шаклланиши оила аъзолари ўртасида барқарор бўлган соғлом муносабатларнинг характеристига боғлиқ. Бу эса, бола онгиди ижобий ва салбий муносабатлар, низолар ҳамда уларнинг оқибатлари тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишига замин бўлади.

Ижтимоий тасаввурлар доирасидаги оиласидаги низолар муаммосининг ўрганилиши жараёнида, асосан, эр-хотин (ота-она) ўртасидаги муноса-батларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ саналади. Чунки оила муҳити мувозанатини ота-она саклаб туради. Оила борасидаги илмий изланишлардан яна шу нарса маълумки, оиласидаги низоларнинг асосий кисми эр-хотин ўртасидаги низолардан ташкил топади. Шунинг учун ҳам ижтимоий психология соҳасида эр-хотин ўртасидаги низолар, уларнинг келиб чиқиши ва ушбу оилада тарбияланадиган фарзандлар дунёқараши, феъл-авторига таъсири ҳамиша долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Шу боисдан бу муаммони ўрганиш учун қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган ва уларнинг натижалари кенг китобхонлар оммасига ҳавола этилган.

Шахснинг оиласидаги низолар тўғрисидаги билимлари, унинг шахсий тажрибаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, тасаввурлар тизимининг шаклланишига ўз таъсирини ўтказади. У ёки бу объект ёхуд ҳодиса ҳақида билимнинг йўқлиги тасаввурнинг ҳам йўқлигидан дарак беради. Шахсгача етиб келаётган маълумотлар ва улар асосида шаклланадиган билимлар аниқ ёки ноаниқ, тўғри ёки нотўғри бўлиб, бирор нарса ва ҳодисалар воситасида шаклланади ҳамда бу бевосита таъсири бўлгани учун ҳам тасаввурлар ана шунга мувофиқ тегишли зайлда пайдо бўлади.

Янги давр инглиз демократлари ва француз маърифатпарварларидан Д. Пристли, Ш. Монтескье, Д. Дидро, Ж. Руссо, Вольтерлар низоларни кўпроқ салбий жараён сифатида баҳолашган. Улардан ташқари, И. Кант, Т. Гобсс, Гегель, Т. Мальтус, Ч. Дарвин, Г. Спенсер, У. Самнер, Л. Гумплович, Г. Зиммель, Р. Парк каби психолог, социолог, файласуф, иқтисодчи олимларнинг асарларида ҳам оиласидаги низолар тўғрисида бевосита жамият миқёсида, сиёсий жараёнилар доирасида ўрганилганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса, ўз навбатида тадқиқот предметини аниқлаш ва умумий хуласалар чиқариш жараёнида муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

XX асрнинг бошида Америкада ўтказилган қатор изланишлар асосида, бола ижтимоийлашуви жараёнида отанинг ўрнига хос бўлган қўйидаги умумий сифатлар қайд этилди:

1. Отасиз болалар сонининг ортиб бораётганилиги, оилада отанинг кам бўлиши;
2. Ота билан бола ўртасидаги мулоқотнинг онаникига нисбатан сезиларли даражада камлиги;
3. Педагогик нуқтаи назардан оталарнинг билимсизлиги, малакасизлиги;
4. Болага, айниқса, кичик ёшлиларга ғамхўрлик қилиш малакаласининг оталарда камлиги ва унга бўлган совуккон муносабат, лаёқатсизлик.

Шундай қилиб, тадқиқот ишимиздаги оилавий низолар билан боғлиқ тасаввурларнинг шаклланишини тушунишимизда методологик асос бўлиб, Фарб мамлакатларида, биринчи навбатда Франция ҳамда Россияда таклиф этилган “ижтимоий тасаввурлар” ва “субъектив образлар” ҳақидаги назариялар хизмат қилиши мумкин. Ижтимоий тасаввурлар концепсиясининг Farbdagi асосчиси ҳисобланган S. Moscovici, унга қуидагича таъриф берган эди: “Ижтимоий тасаввурлар бихевиористлар таърифлаган механик образ ҳам, ташқи ва ички муҳит ўртасида зиддият туғдирадиган нарса ҳам бўлмай, балки... фаол равишда объектив борлиқни ижтимоий-психологик тарзда қайта ўзлаштириш жараёни маҳсулидир”.

Франциялик мутахассисларининг яна бир ёрқин вакили J. Jodelet эса, ижтимоий тасаввурларга шундай таъриф беради: “Ижтимоий тасаввурлар қанчалик содда ёки мураккаб мазмунга эга бўлмасин, улар доимо одамнинг кундалик ҳаёт тарзини англаш ва ўзига хос тарзда баён этиш усулидир. Шунингдек, ижтимоий билимнинг маълум шакли сифатида индивидлар ёки гурухлар фаоллигини, уларнинг ўзларига қарашли, аҳамиятли бўлган вазиятлар, ҳодисалар, объектлар ва хабарларга нисбатан тутган мавқеини ҳамда муносабатини билдиради”.

#### Жадвал № 1.

#### Ижтимоий тасаввурлар тизимининг уч ўлчовли модели

| №   | Ўлчовлар                    | Вазифалар   | Хусусиятлар  | Ижтимоий-сихологик натижа   |
|-----|-----------------------------|---|--|---|
| I   | <i>Маълумотлар даражаси</i> | Билиш; баён этиш; тушунтириш                        | Ижтимоий обьект ақидаги билим-лар финдиси – <b>миқдорий томон</b>  | Маълумотлар тўпми: маълумот-лилиқ, имдонлик, билимлар, фикр ва тушунчалар   |
| II  | <i>Баҳолар тавсифи</i>      | Тартибга солиш, қалаш (классификация); мослаштириш  | Субъектив аҳамиятга га бўлган обьектга исбатан ижобий ёки лбий муносабатнинг аклланиши; “шахсий шаънога” эга бўлган мининг ажратилиши – <b>фатийлик томони</b> | Генерализация ҳамда индивидуализация тижасида аҳамиятли обьектлар хусусида субъектив образлар мининг пайдо бўлиши |
| III | <i>Ижтимоий установка</i>   | Хулқ-атвор оситачиси; ижтимоий икмалар ҳосил қилиши | Ижтимоий обьектга исбатан ижобий ёки ий хатти-харакатларни амалга оширишга <b>айёргарлик ҳолати</b>  | Вербал ёки амалий ҳаракат билан боғлиқ ярлар; ижтимоий хулқ-атвор   |

Бундай уч ўлчовли модел бизнинг фикримизча, ижтимоий тасаввурларнинг динамик структурасига мос келади. Чунки, ижтимоий тасаввурлар, ҳаёт мобайнида ўзгариб турадиган динамик тузилмаларки, уларнинг шаклланиши ва ўзгариш механизmlари тасаввурлар эгасининг ижтимоий борлиқни қандай идрок қилишидан тортиб, шахсий маъно касб этган обьектларнинг билимлар тизимида ўрнашиш, хулқ-атворда намоён бўлиш, шахсий тажрибага айланиши жараёнларида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мазкур муаллифлар моделининг муҳимлиги шундаки, бунда ижтимоий тасаввурларни ўлчаш учун маълумот, тасаввур майдони ва установкалар бир-биридан фарқланади. Чунки, тасаввурлар майдони, маълум образ ва маънавий хусусиятларга эга бўлган сифатий характеристкалар саналиб, у туб маънодаги эмпирик тадқиқотларда аникланиши қийин бўлган катталиклардир.

Шунинг учун ҳам баҳолар характеристини ўрганиш лозимлиги таъкидланиб, қабул қилинган маълумотлар асосида ўсмирнинг субъектив баҳолари (хоҳ салбий, хоҳ ижобий) ижтимоий установкаларга замин бўлишини эътироф этиш мумкин.

Фикримизча, ўсмирлардаги низолар тўғрисидаги ижтимоий тасаввурларнинг динамик табиатини таҳлил қилиш учун, уларнинг шаклланиши босқичларини қуидагича ажратиш мақсадга мувофиқидir:

Идрок қилиш босқичи, унда онгда бевосита акс этадиган маълумотларнинг қабул қилиниши ва ўсмир (ўғил, қиз)лар учун аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан сараланиши руй беради. Масалан, оилавий роллар таҳсимоти ва унинг бажаралиши юзасидан ўсмир хатти-харакатидаги оила “лидер”ига нисбатан англанмаган интилиш.



Ассоциатив боғланишлар босқичи, бунда онгдаги янги хабарлар эскилари билан солиширилиб, ассоциатив ва маънавий боғланишлар ўрнатилади. Масалан, эрнинг ўз хотинига (ёки аксинча) нисбатан кўрсатадиган ҳар қандай салбий муносабати ўсмири оиланинг идеал “лидер”ига нисбатан позициясини ўзгартиришга мажбур қиласди.

Юқоридаги икки босқич хусусиятларининг умумлаштирилиши – объект ҳақидаги тасаввурларнинг генерализациясини келтириб чиқаради. Яъни, юзага келган оилавий низолар таъсирида ўсмир ота-онаси хусусидаги ижтимоий тасаввурларини тубдан ислоҳ этади. Натижада, оиласа доир ҳар бир маълумот ёки хабар дифференциал ҳолда ўсмир учун аҳамиятлилик даражасида ажратилади ва шу асосда маълум установкалар шаклида унинг хулқатвори йўналишини белгилайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, низолар тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар муаммосининг психология фанида ўрганилиши бизга яна бир карра оиласа бўладиган турли кўринишдаги низолар тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлар энг аввало, оила мухитида ва ундаги ота-она ҳамда уларнинг ўз ота-оналик ролларига бўлган муносабатлар таъсирида шаклланишини исботлади.

---

**Полванова Дилрабо Тагаймуратовна,**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети педагогика ва психология кафедраси ўқитувчisi



**ЁШЛАРНИНГ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ТАЖРИБАСИДА**

---

**Аннотация:** Уибу мақолада ахборот-психологик хавфсизлигига реал таҳдиид - кибербуллинг ҳодисасида ёшларнинг руҳий саломатлигини сақлаши муаммоси ёритилган. Кибербуллинг ҳодисасини олдини олиш борасида Жанубий Корея тажрибаси таҳлил қилинган. Халқаро ва жамоат ташкилотларининг кибербуллинг тадқиқотига оид материаллари ўрганилган. Кибербуллинг ҳодисасининг олдини олиш бўйича хулосалар чиқарилиб, тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** психик саломатлик, буллинг, кибербуллинг, киберстталкинг, кибербуллинг иштирокчилари, таъқиб қилувчи, жабрланувчи, кузатувчилар.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается проблема психического здоровья молодежи в условиях реальной угрозы информационно-психологической безопасности - явления кибербуллинга. Проанализирован опыт Южной Кореи по предотвращению кибербуллинга. Изучены результаты деятельности международных и общественных организаций в отношении кибербуллинга. Сделаны выводы и предложены рекомендации по профилактике кибербуллинга.

**Ключевые слова:** психическое здоровье, буллинг, кибербуллинг, киберстталкинг, участники кибербуллинга, преследователь, жертва, наблюдатели.

**Annotation:** This article discusses the real threat to information and psychological security - problem of keeping young people mentally healthy and stable in case of bullying and cyberbullying. The Korean experience in the prevention of cyberbullying was analyzed. Statistical results of public and international organizations on the research of cyberbullying were studied, conclusions and recommendations were made to prevent cyberbullying.

**Key words:** mental health, bullying, cyberbullying, cyberstalking, cyberbullying participants, stalker, victims, bystanders/observers.

Бугунги шиддатли, ахборотлар оқими кескин ортиб бораётган тезкор даврда, хусусан COVID-19 туфайли юзага келган пандемия даврида нафақат ёш авлод вакиллари, балки бутун жамоатчиликда руҳий саломатлик муаммоси ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Айнан ёшларнинг ахборот психологик хавфсизлигини таъминлаш, кибербуллинг ҳодисасини олдини олиш масалалари ниҳоятда долзарб мавзулардан биридир. Кибербуллинг интернет тармоғида